

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШЕРМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА КАБИЛДЖАНОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМИДА ЎТКИР
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР БУЗИЛИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по медицинским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(PhD) on medical sciences**

Шермухамедова Феруза Кабилджановна Метаболик синдромида ўткир цереброваскуляр бузилиш	3
Шермухамедова Феруза Кабилджановна Острые цереброваскулярные нарушения при метаболическом синдроме	23
Shermukhamedova Feruza Kabildjanovna Acute cerebrovascular disorders associated with the metabolic syndrome ...	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.31.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ШЕРМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА КАБИЛДЖАНОВНА

**МЕТАБОЛИК СИНДРОМИДА ЎТКИР
ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР БУЗИЛИШ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib350 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tipme.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муратов Фахмиддин Хайриддинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мирджураев Элбек Миршавкатович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент врачлар малакасини ошириш институти хузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.31.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Тел/факс: (99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz.)

Диссертация билан Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100007, Тошкент, Паркент кўчаси, 51-уй.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертациясианнотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда цереброваскуляр касалликлар (инсулт) сони йилдан-йилга ортиб бормоқда ва жаҳон инсулт жамияти маълумотларига кўра «ўлим ва ногиронлик сабабларига кўра бугунги кунда инсулт етакчи ўринни эгаллайди. Ҳар 6 кишидан 1 таси ҳаёти давомида, ҳар йили эса 15 миллион аҳоли инсулт билан касалланади, улар орасидан 5,8 миллион ҳолатда ўлим ва 6,7 миллион кишида ногиронлик кузатилади. Инсулт ривожланишининг асосий омили метаболик синдром (МС) компонентлари бўлиб, улар инсулт ривожланишини бир неча баробарга оширади»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертлари маълумотларига кўра МС учраш даражаси «бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ривожланган давлатлар XXI аср пандемияси билан тўқнаш келмоқда. Бу улар учун демографик фалокат сабаби бўлиши мумкин. МС таркалиши қандли диабетдан 2 баробар кўп булиб, ва яқин 25 йилда унинг тезлиги 50% га ошиши кутилмоқда»². Шу билан бирга, инсултнинг асоратлари ижтимоий аҳамиятга эга муаммо ҳисобланади.

Дунёда ишемик инсулт, хусусан метаболик синдром фонида кечувчи цереброваскуляр касалликларини ташхислаш ва даволашнинг янги ёндошувлари ва усулларини ишлаб чиқиш бўйича бир қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада беморларда касалликнинг оғир кечишининг асосий сабабларидан бири бўлган метаболик синдромни ташхислаш; ишемик инсулт (ИИ) билан оғирган беморларда метаболик бузилишларнинг назорати пасайиши ва бунинг натижасида оғир асоратларнинг эрта ривожланишини барвақт ташхислаш ва ногиронликка олиб келувчи сабаб сифатида унинг ўрнини баҳолаш; касалликнинг ривожланишида наслий мойилликнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаш, МС фонида ривожланган ўткир цереброваскуляр бузилишларнинг ривожланишини молекуляр-генетик омилларни ҳисобга олган ҳолда эрта ташхислашни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, кейинги оғир асоратларни олдини олишга ва эрта реабилитациясига қаратилган даволаш тизимини яратиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда ўткир цереброваскуляр касалликларни эрта диагностика қилиш ва даволаш борасида қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, метаболик бузилишлар билан бирга кечадиган ИИларни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри ташхислаш, ушбу касаллик олиб келадиган оғир ногиронликни олдини олиш ва кайта тикланиш чора тадбирларини шакллантириш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...касалликларнинг олдини олиш ва

¹World stroke organization report «Facts and Figures about Stroke»2015. Aviable from URL: <https://www.world-stroke.org/component/content/article/16-forpatients/84-facts-and-figures-about-stroke>

² Ziramet P., Shaw J., Alberti G. Preventing type 2 diabetes and the dysmetabolic syndrome in the real world: a realistic view // Diabetic medicine. – 2003. – № 20 (9). – P. 693-702.

диагностика қилиш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш»³ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Шунга мувофиқ, инсултни ривожлантирувчи хавф омилларни эрта аниқлаш ва уларни қон томир етишмовчилиги патогенезидаги ролини белгилаш, кейинчалик аҳолига тиббий-ижтимоий ёрдам тўлақонлилигини ошириш, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичини пасайтириш, хаёт сифатини ошириш тиббиётнинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сонли Фармонлари, 2017йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли Қарори, ҳамда мазкур соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги ўн йилликда инсултни даволашда эришилган ютуқлар минглаб одамларни хаётини сақлаб қолди, лекин юқори даражадаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичи бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши орасида долзарб муаммолигича қолмоқда. Б.Г. Гафуров берган маълумотларга кўра (2016), Ўзбекистонда учрайдиган ишемик инсултлар миқдори 150:100000 тага етди, бутун республика бўйича 66000та инсулт қайд этилади. Кўп ривожланган мамлакатларда меҳнат қобилиятини йўқотиш бўйича инсулт 1-ўринда туради: 90% инсулт ўтқазган беморлар ҳаракат функцияси бузилиши ҳисобига турғун меҳнат қобилиятининг чегараланиши кузатилади, улар орасидан 10% и ногирон бўлиб қолади ва яқинлари ёрдамига муҳтож. Инсулт оғирлиги бемор, унинг яқинлари ва жамият учун доимий ташвишдир.

Охирги вақтларда метаболик синдром ривожланиш частотаси ошиб бормоқда. Метаболик синдром - гормонал ва метаболик бузилишларнинг ўзаро бирикмаси бўлиб, юрак-қон томир шунингдек цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш эҳтимоллигини оширувчи асосий хавф омилларидан бири ҳисобланади (Федин А.И. 2015). Цереброваскуляр касаллиги бўлган беморлар орасида МСнинг тарқалиши 43%га етди. МС нинг кўп компонентлари ўзи ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ривожланишида хавф омили ҳисобланади, уларнинг биргаликда таъсир қилиши бу эҳтимолликни янада оширади (Hu G. et al., 2005, Cronin S., Kelly P.J., 2009).

Шундай қилиб ҳозирги кунда метаболик синдром фонида кечувчи цереброваскуляр бузилишларни ташҳислаш, даволаш ва профилактика қилишда ечилмаган саволлар кўплиги шубҳасиз. Ушбу касаллик ташҳиси ва даъвоси асосан ишемик инсультни бартараф қилишга қаратилган бўлиб, метаболик бузилишлар коррекцияси ва назорати этибордан четда қолмоқда. Ушбу коморбид ҳолатнинг комплекс ташҳислаш ва даво чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаган. Метаболик синдром фонида кечувчи ишемик инсультнинг ривожланишида молекуляр-генетик омилларнинг аҳамияти аниқланмаган. Метаболик синдромда кечувчи ишемик инсультни эрта ташҳислаш муаммосини ечилиши рационал даволашнинг ўз вақтида тайинланиши, чуқур ногиронликни бартараф қилиш ва унинг реабилитациясини сифатини ошириш борасидаги вазифаларни ечишда долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясида илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўткир инсультларни замонавий даволаш ва диагностика принциплари» мавзуси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади метаболик синдромда ривожланган ўткир цереброваскуляр бузилишда клиник-неврологиква молекуляр-генетик омилларнинг аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метаболик синдромда ишемик инсультнинг клиник-неврологик кечиши хусусиятларини аниқлаш;

метаболик синдромда ишемик инсульт ўтказган беморларда клиник-биохимик ва гемодинамик бузилишларнинг хусусиятларини текшириш;

ишемик инсульт ривожланишида васкулоэндотелиал қон томир ўсиш фактори (VEGFA) ва плеотроп цитокин (TGFb-1) генининг полиморф аллел турларининг аҳамиятини аниқлаш;

метаболик синдромда ишемик инсультнинг нейрометаболик давода неврологик ўзгаришлар динамикасини баҳолаш;

метаболик синдроми билан оғриган беморларда ишемик инсультнинг салбий оқибатларининг асосий предикторларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ишемик инсульт билан касалланган 41 ёшдан 72 ёшгача бўлган 188та бемор бўлди, улар орасидан 105 тасида метаболик синдроми ривожланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида неврологик статусни комплекс текшируви ва нейровизуализацион усул натижалари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари клиник-неврологик, инструментал текширув усуллари ва натижаларни статистик ишлов бериш аналитик усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

метаболик синдромли ИИда ривожланган беморларда қондаги липид спектри кўрсаткичлари (ЗЮЛП ва ЗПЛП), антропометрик кўрсаткичлар (ТВИ,

БА) билан мутаносиб тарзда ўзгариши ва бу кўрсаткичларнинг меъёрдан оғиш даражаси беморларнинг оғирлик даражасини белгилаб бериши исботланган;

илк бор метаболик синдромида ва метаболик синдромсиз ИИ ривожланган беморларда VEGFA генининг rs2010963 ва *TGFβ-1* генининг rs1800471 генотиби полиморфизмининг G/G генотиби аллелларининг учраш частотаси аниқланган;

VEGFA гени (rs2010963) полиморф вариантларининг ассоциацияси бош мияда ишемик инсультнинг ривожланишидаги аҳамияти (AUC=0,60), C/C вариантли гомозигот генотип ИИ ривожланиш хавфини ошириши, G/G генотип ИИга нисбатан протектив маркер эканлиги исботланган;

гетерозигот генотипли rs2010963 VEGFA гени полиморфизми ассоциацияси брахиоцефал артерияларни оғир ва критик даражадаги стенози ва «ёввойи» генотип G/G ни полиморфизми rs1800471 гени *TGFβ-1* ҳимоявий аҳамияти юқорилиги аниқланган;

метаболик синдром билан оғирган беморларда ИИ нохуш оқибатларининг МС компонентлари билан ўзаро таъсири ва яққоллиги ҳамда давомийлигига боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

метаболик синдроми билан ИИ ривожланишида клиник, нейровизуализацион, иммунофермент текширув усулларини қўллаш паталогик процессни ўз вақтида аниқлаш ва рационал терапия усулини қўллаш имконини беради;

метаболик синдромли ИИ ўтказилган беморларни олиб бориш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш дастурларига ёндашувларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш беморларда кейинги асоратларни камайтиришга, транзитор ишемик хуруж (ТИХ) ва церебрал ишемик инсульт каби бош мия қон томирлари касаллигининг қайта ривожланишига йўл қўймаслик имконини яратган;

метаболик синдромида ИИ ўтказган беморларга нейрометаболик воситаларни қўллаш даволаш босқичларида неврологик ва аъзолардаги функционал ўзгаришларни ва хаёт сифатини ошириш имконини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан туғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, клиник-неврологик, инструментал ва статистик текширув усулларига асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги; олинган хулосаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациянинг асосий ҳолатлари, хулосалар МСдаги инсультларни эрта ташхислаш, клиник-неврологик хусусиятларнинг ўзига хослигини ўрганиш, шунингдек инсультларни комплекс даволаш ва диагностика қилиш имконини яхшилаш билан изоҳланади. Бундан ташқари, ИИ беморлар орасида rs1800471 (915G>C (Arg25Pro)) гени *TGFβ-1* ва rs2010963 (-634G>C) VEGFA гени полиморфизми ва аллеллар частотасини

ўрганиш касаллик кечиши прогнозини аниқлаш тактикасини танлаш имконини беради;

Тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган диагностик муолажаларни тадбиқ этиш орқали МСда ривожланган ИИни эрта аниқлаш ва прогнозини оптималлаштириш имконини беради. Олинган тадқиқот натижалари МС фонида ИИ ривожланган беморларда патофизиологик даволаш усуллари аниқлаш ва қўллаш имконини беради. Тадқиқот натижалари МСда ривожланган цереброваскуляр касалликларни даволаш ва диагностикасига тавсия бериш, метаболик бузилишларни аниқ коррекция қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Метаболик синдромда ИИ ўтказган беморларни даволаш чора –тадбирлари буйича олинган илмий натижалар асосида:

«Нейрометаболическая терапия ишемических инсультов при метаболическом синдроме» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 8н-д/283-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома МСда ИИ билан оғриган беморларни даволаш самарадорлигини яхшилаш ва хаёт сифатини ошириш имконини берган;

МСда ИИ билан хасталанган беморларни консерватив усул билан даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикасининг даволаш-профилактика муассасаларига, хусусан Андижон тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академияси клиникаларида амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 11 январдаги 8н-з/4-сонли маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши метаболик синдромда ишемик инсульт билан хасталанган беморларни реанимацион бўлимларда даволаш муддатларини қисқартириш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий амалий анжуманларда, жумладан, 2та халқаро ва 3та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, шундан 4та республика ва 2та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация таркиби кириш, адабиётлар шархи, тадқиқот материал ва методлари, тадқиқот натижалари, хулоса, амалий тавсия ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, илмий изланиш мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, илмий изланиш натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инсулт муаммосига замонавий ёндашув**» деб номланган биринчи бобида ИИ ва МСни адабиётлардаги манбаси ва таҳлили, учраш частотаси келтирилган. МСда цереброваскуляр бузилишлар ривожланиш хавф омиллари ва генетик аспекти, ИИларни комплекс ташхислаш ва даволаш усуллари ёритилган.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромида ўткир цереброваскуляр бузилишда тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник, лаборатор, ультратовуш, нур текширувлари натижалари ёритилган.

Тадқиқот давомида олинган илмий натижалар асосида ТТА 1-клиникаси интенсив неврология ва терапия реанимация бўлимларида цереброваскуляр касаллик бўйича даволанган 279 та беморни текширув ва даволаш натижалари проспектив ўрганилган. Беморлар 40-85 ёшгача бўлган аёл ва эркак беморлар олинган бўлиб, улар 2-та гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳни 188 та ишемик инсулт билан касалланган беморлар ташкил қилди (ўртача ёши $59,86 \pm 8.95$) (асосий гуруҳ). Улардан 105та бемор (ўртача ёш 58 (50;65) метаболик синдромида ишемик инсулт ривожланган бўлиб, МСнинг 3 ва ундан кўп компоненти мавжуд (1-кичик гуруҳ), 83та бемор (ўртача ёш 63 (55;70)) - МСни 1, 2 компоненти бор ёки МСсиз (2-кичик гуруҳ). Ишемик инсулт ташхиси 188 (100,0%) та беморни компьютер - томография текшируви орқали тасдиқланган. Назорат гуруҳига 91 та соғлом одамлар олинган. Инсулт оғирлик даражаси NIHSS, неврологик етишмовчилик даражаси Скандинавия ва кундалик фаоллигини Бартел шкалалари ёрдамида касалликни даволашнинг 1, 10, 35 суткасида текшириш орқали баҳоланган.

Асосий гуруҳдаги беморларни ёш бўйича тақсимланиши куйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал). МСли беморлар орасида энг кўп зарарланадиган ёш – 45-59 ёш (45,7%) ва 60-74 ёш (44,8%) ни ташкил қилди. МСсиз кичик гуруҳдаги беморлар орасида касалланишни юқори даражага қайд этилиши 60-74 ёшли (48,2%) беморлар орасида кузатилди, 45-59 ёшли беморлар эса 34,9%ни ташкил қилди ($X^2=1,16$ $p=0,28$). Таъкидлаб ўтиш жоизки, иккала гуруҳда ҳам 45 ёшдан кичик бўлган беморлани фақат эркаклар ташкил қилди.

Асосий гурухни жинси ва ёш бўйича тақсимланиши

Ёш гурухлари	МСли беморлар						МСсиз беморлар					
	Эркак		Аёл		Жами		Эркак		Аёл		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
45≥	3	6,98		0	3	2,86	2	3,7		0	2	2,41
45-59	18	41,9	30	48,4	48	45,7	20	37	9	31	29	34,9
60-74	19	44,2	28	45,2	47	44,8	27	50	13	44,8	40	48,2
75≤	3	6,98	4	6,45	7	6,67	5	9,26	7	24,1	12	14,5
Жами	43	100	62	100	105	100	54	100	29	100	83	100

МСли 45-59 ёш гурухини иккала кичик гурухида ҳам аёллар улуши қуйидагини ташкил қилди $76,9\% \pm 6,7\%$. Худди шу ёш гурухидаги эркак беморлар гурухи билан таққослаганда натижалар статистик жихатдан аҳамиятли эканлиги аниқланди ($X^2 = 7,16$ $p=0,001$). Бу гурухда МСли аёлларни учраш даражаси қуйидагича $OR=3.7$ ($95\% CI=1.4-9.9$) МСсиз гурухга қараганда юқори эканлиги кузатилди. 60-74 ёш гурухини кичик гурухларга тақсимланишини таҳлил қилинганда қарама-қарши кўриниш аниқланди. Ушбу гурухда МС ривожланиш хавфи иккала жинс орасида бир хил нисбатда эканлиги аниқланди, МС ривожланмаслиги қуйидагига тенг бўлди $OR=3.02$.

Шунингдек, кичик гурухлар орасида жинсий белгиси бўйича статистик жихатдан аҳамиятли бўлган фарқ аниқланди ($X^2 = 10,8$, $p=0,001$). МСли гурухдаги беморлар орасида аёл жинсидаги беморлар устунлик қилди (59%), МСсиз гурухда эса эркак жинсидаги беморлар устунлик қилди (65%). Антропометрик кўрсаткичлар(абдоминал семириш ва БА кўрсаткичлари)ва метаболик бузилишларни ифодаловчи лаборатор таҳлиллар(липид спектри холати (ХЛ, ЗПЛП, ТГ), қанд миқдори, фибриноген) бўйича ҳам кичик гурухлар орасида статистик жихатдан аҳамиятли бўлган фарқ аниқланди.

Диссертациянинг «**Метаболик синдромдаги ишемик инсультларнинг клиник-гемодинамик ва биокимёвий хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида клиник, лаборатор, ультратовуш, нур ташхиси текширув методларидан фойдаланилганлиги ёритилган.

Ўткир цереброваскуляр бузилиши бор беморларнинг барчаси касалхонага касалликнинг ўта ўткир даврида олиб келинган. Касалликнинг даслабки 6 соатида фақат 15та бемор стационарга мурожаат қилган бўлиб, ўткир цереброваскуляр бузилиш кузатилган беморларнинг жами сонини 7,57%ни ташкил қилади. Касалликнинг биринчи клиник симптомлари пайдо бўлган вақтдан дастлабки 24 соат мобайнида беморларнинг 48,71% касалхонага ташриф буюрган, қолган 43,28% касаллик бошланишидан бир кундан кейин кечроқ ташриф буюрган.

Анамнестик маълумотлар ва ўтказилган клиник-инструментал ва лаборатор текширувлар натижаларини таҳлил қилинганда ишемик инсультнинг қуйидаги патогенетик типларини учраши ташхисланди: атеротромботик - 77та

беморда (40,96%), кардиоэмболик типлари - 64та беморда (34,04%), лакунар - 47та беморда (25%) (2-жадвал).

2-жадвал

Беморларда ишемик инсультларни подтиплари бўйича тақсимланиши.

Инсульт типлари	МС		МСсиз		Жами	
	абс	%	Абс	%	абс	%
АТИ	53	50,48	24	28,92	77	40,96
КЭИ	33	31,43	31	37,35	64	34,04
ЛИ	19	18,10	28	33,73	47	25,00

Таъкидлаб ўтиш жоизки, МСли гурухда атеротромботик инсультларни учраш миқдори МСсиз гурухга нисбатан юқори эканлиги кузатилди ва мос равишда қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатди 50,48 % ва 28,92% ($p=0.003$). МСли беморларда атеросклеротик жараёни кескин даражада ривожланганлиги бош мия қон томирларини дуплекс текширувида ўз тасдиғини топди, яъни МСли беморларни 100%да, МСсиз беморларни эса 80%да атеросклеротик пиллакчалар аниқланди. Кардиоэмболик инсульт МС ва МС сиз гурухларда деярли бир хил даражада учради – 33% ва 31% ҳолатларда мос равишда ($p=0.01$). Бу беморларнинг ҳаммасида бўлмачалар хилпилловчи аритмияси ва блокадалар топилди. ЛИни учраш сони МСсиз гурухдаги беморларда аҳамиятли даражада кўп аниқланди. Инсультнинг бу патогенетик типи МСсиз беморлар гурухининг 33,73%да, МСли беморларни эса 18,10%да аниқланди ($p=0.2$). Беморларнинг ҳаммаси артериал гипертония билан хаста.

Ишемик инсультнинг оғирлиги ва неврологик етишмовчиликни даражаларининг ўзаро таққослама таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, метаболик синдром фонида ривожланган ишемик инсульт оғир ва қўпол неврологик бузилишлар билан кечиши аниқланди. Беморларда хуш бузилиш даражалари Глазго кома шкаласи орқали баҳолаш шуни исботладикки хушнинг аниқ бўлиши ва атроф муҳитга адекват рақциясини сақлаб қолган беморлар 149та (79,2%) ни ташкил қилди. Хар-хил даражада ифодаланган хуш бузилишлари 39та (20,74%) беморда кузатилди, улар орасидан 19та (48,71%) беморда қарахтлик-хуш бузилишининг енгил даражаси аниқланди. 13та (33,3%) беморда эса сопор ҳолати, хушнинг тўлиқ бузилиши ёки кома ҳолати эса 7та (17,9%) беморда кузатилди.

Беморларда касаллик оғирлик даражаси NIHSS ва неврологик етишмовчиликни Скадинавия шкаласи орқали баҳолаганда ўткир церебрал бузилиши бор беморларни қуйидаги гурухларга ажратиш имконини берди: ўта оғир ҳолатдаги беморлар, оғир ҳолатдаги беморлар, ва ўрта оғирлик даражадаги беморлар каби.


NIHSS шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичлар кичик гурухларда ишончли даражада фарқ қилди (3-жадвал). Бу шу билан исботландики, МСли 90% беморлар орасида оғир (60%) ва ўта оғир (36,9%) ҳолатдаги беморлар бўлган бўлса, МСсиз гурухдаги беморлар орасидан 34,9% ўрта оғир ҳолатда, 60,2% оғир ва фақатгина 4,8% ўта оғир ҳолатдалиги аниқланди.

Беморларни оғирлик даражасини NIHSS шкаласи бўйича натижаларини тақсимланиши

NIHSS бўйича баллар	МС		МСсиз		Жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
9-18 б	4	3,8	29	34,9	33	17,6
19-28 б	63	60,0	50	60,2	113	60,1
29-38 б	38	36,2	4	4,8	42	22,3

Скандинавия шкаласи бўйича кескин неврологик етишмовчилик МСли беморларни 41%да учради. МСсиз беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 9,64%га тенг бўлди ($p=0.007$). Ўртача неврологик етишмовчилик 56% ва 62,5% беморларда мос равишда аниқланди ($p=0.4$). Енгил ривожланган неврологик етишмовчилик МСсиз беморларни 27,71%да, МСли беморларни эса фақат 2,86%да аниқланди ($p=0.0007$).

Кундалик ҳаёт тарзининг фаоллигини Бартел индекси бўйича баҳолаш натижаларига қараб беморлар 4 гуруҳга бўлинди. Кундалик ҳаёт фаолиятидаги қарамлик МСли беморларда 38,1% ва МСсизда 6,02%ни ташкил қилди. Яққол қарамлик мос равишда 59% ва 65% беморларда учради. Ўртача даражадаги қарамлик 3та (2,86%) ва 15та (18,07%) беморда аниқланди.



1-расм. ИИ оғирлигининг ТВИ (семизлик) даражаси билан беморларни тақсимланиши

Антропометрик ва клиничко-неврологик кўрсаткичларни таққослама тахлили ўтказилганда шу нарса аниқландики, ТВИ ва БА ўлчами бемор оғирлик даражаси билан ўзаро мусбат корреляцион боғланишга эга ($r=0,63$; $p<0,001$ БАга ва $r=0,53$ $p<0,001$ ТВИга). МСфонида ИИ ривожланган беморларда семизликнинг ҳам бирга учраши ушбу касаллик кечишини сезилари даражада оғирлаштирди. Таъкидлаш жоизки, ўта оғир ҳолатдаги инсулт ривожланган

беморларни 54,7%да семизликнинг II ва III даражаси, 30% беморда эса I даражаси, ва фақатгина 13,7% ТВИ 30дан паст эканлиги аниқланди (1-расм).

Дислипидемияни ифодаланганлик даражасини баҳолаш учун МСнинг чегаравий ҳолатидаги кўрсаткичларини қўлладик (4-жадвал). Метаболик синдромли кичик гуруҳлардаги беморларнинг 1/3 қисмида қондаги липид спектри кўрсаткичлари референт чегарадан юқори бўлди (ЗПЛП), худди шу гуруҳдаги беморларнинг барчасида (100%) триглицеридлар даражаси чегаравий белгидан юқори бўлди.

4-жадвал

Липид спектри кўрсаткичларини қондаги миқдориға қараб гуруҳларда тақсимланиши

Қондаги липид спектри кўрсаткичи		МСли		МСсиз		Жами	
		абс	%	абс	%	абс	%
ЗЮЛП кўрсаткичи	<1 мм/л	75	71,4	15	18,1	90	47,9
	>1 мм/л	30	28,6	68	81,9	98	52,1
ЗПЛП кўрсаткичи	>3 мм/л	86	81,9	45	54,2	131	69,7
	<3 мм/л	19	18,1	38	45,8	57	30,3
ТГ кўрсаткичи	>1,7 мм/л	105	100,0	39	47,0	144	76,6
	>1,7 мм/л	0	0,0	44	53,0	44	23,4
УХ кўрсаткичи	>5 мм/л	8	7,6	36	43,4	44	23,4
	5-6,4 мм/л	55	52,4	42	50,6	97	51,6
	6,4-7,8 мм/л	42	40,0	5	6,0	47	25,0

МСсиз гуруҳда шундай кўрсаткич липид спектрини кўп параметрлари бўйича беморларнинг ½ қисмида чегаравий ҳолатдан юқорилиги аниқланди. Кўрсаткичларни сезиларли оғиши фақат ЗЮЛП даражасида аниқланган бўлиб, у 81,9% беморларда аниқланди. Қондаги холестерин миқдорини баҳолашда бу кўрсаткич 3 босқичга бўлиб олинди.

Иккала кичик гуруҳлардаги беморларда ҳам холестерин миқдорининг энгил ошиши устунлик қилди, МСли беморларда у 52,4% ва МСсиз беморларда эса 50,6%ни ташкил қилди. Холестерин миқдорининг ўртача миқдорда ошиши МСли беморларни 40%да, МСсиз беморларни эса 6% да аниқланди. Нормал даражадаги холестерин асосан МСсиз беморлар гуруҳида аниқланган бўлиб, 43,4%ни ташкил қилди, МСли беморлар гуруҳида бу кўрсаткич 7,6%га тенг бўлди. Холестериннинг юқори даражаси >7.8 моль/л ҳеч бир беморда аниқланмади.

Липид спектрида фарқ бўлишига қарамасдан, инсулт оғирлик даражасини патогенезида ЗЮЛП ва ЗПЛП хал қилувчи рол ўйнайди. Уларни нормал ҳолатга келтириш АТИ ривожланишини олдини олади лекин КЭ инсулт ривожланишини тўхтата олмайди.

МСли беморларнинг ҳаммасида гипергликемия ҳолати аниқланди ва 98,10% беморда нахорги қондаги қанд миқдори 7,1 ммоль/л дан юқори кўрсаткични ташкил қилди, бу қанд алмашинувининг оғир даражада бузилиши

борлигидан гувоҳлик беради. МСсиз беморлар гуруҳида гипергликемия ҳолати фақат 11та (13,25%) беморда аниқланди, улардан 5та(6,02%) қондаги қанд миқдори 7,1 ммоль/лдан юқори эканлиги кузатилди. Беморларнинг кўп қисмини анамнезида қандли диабет 5-10 йилдан ошиқ эканлиги аниқланди, бу шу беморларда оғир қон томир асоратлари, яъни ретинопатия, нефропатия, нейропатия ва оғир бош мия қон айланишини бузилишига олиб келувчи микроангиопатия ривожланиш эҳтимоллигини оширади. Шунингдек, касалликни оғирлик даражаси билан қондаги қанд миқдори ўртасида ўзаро боғлиқлик борлиги аниқланди ($r = 0.54$; $p > 0.001$) ва бу гуруҳлар орасида ўртача кўрсаткичларни ишончли даражада фарқли эканлигини ифодалаб берди: ИИ ўрта оғирликда кечишида ўртача кўрсаткичлар 7,1 (6;8,3), $p < 0,001$, ва ўта оғир даражадаги ИИ гуруҳида 10,35 (8,5;15,7), $p < 0,001$, оғир даражадаги беморлар гуруҳида ишончли фарқ топилмади. (9 (6,05;10,9), $p = 0,902$) (5-жадвал).

5-жадвал

Веноз қондаги қанд миқдори билан касаллик оғирлик даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик

NIHSS бўйича балл	Қондаги қанд миқдори [Me (LQ; UQ)]	P
9-18 б	7,1 (6;8,3)	<0,001
19-28 б	9 (6,05;10,9)	0,902
29-38 б	10,35 (8,5;15,7)	<0,001

Кичик гуруҳлардаги дуплекс сканирлаш натижалари бир-биридан фарқ қилди (6-жадвал). Гуруҳлараро таҳлил қилинганда томирларнинг тўлиқ окклюзияси МСли беморларнинг 11тасида (18,03%), МСсиз беморларнинг эса 3тасида (6,25%) аниқланди. Шунингдек, томирларни 60%гача стенози МСли беморларда 23та (37,70%) кузатилди. Қон томирлар бушлиғи нормал ҳолати МСсиз гуруҳда устунлик қилди ва 18та(37,5%) ни ташкил қилди, МСли гуруҳда бу 3та (4,92%) ни ташкил қилди. Дуплекс сканер текшируви ўтказилган беморларнинг орасида 40та (36,70%) беморда 60%дан кам қон томир стенози устунлик қилган бўлса, тўлиқ қон томир окклюзияси 14та (12,84%) беморда аниқланди.


6-жадвал

Гуруҳларда қон томирларни дуплекс сканирлаш текшируви натижаларини таққослаш

Натижалар	МС		МСсиз		Жами		P
	абс	%	абс	%	абс	%	
Окклюзия	11	18,03	3	6,25	14	12,84	P<0.01
>60	23	37,70	11	22,92	34	31,19	
<60	24	39,34	16	33,33	40	36,70	
Норма	3	4,92	18	37,50	21	19,27	
Жами	61	100	48	100	109	100	

Дуплекс сканерлаш ва NIHSS шкаласи натижаларини тахлилида инсультнинг ўта оғир даражадаги беморлар орасида томирларнинг тўлиқ окклюзияси 57,14% да аниқланди. Томир бўшлиғи ахамиятли стенози (60% юқори) бўлган 26,47% беморларда ўта оғир даражаси, 2,94% беморда ўртача оғирликда кузатилди. Худди шу гуруҳда ахамиятсиз стенози (60%дан кам) 10% беморда ташхисланди касаллик ўтаоғир даражада кечуви 7,5% ўртача оғирликда кечиши аниқланди. Ўтаоғир даражаси 4,76% томир бўшлиғининг нормал ҳолати аниқланди (2-расм).

Метаболик синдромили 61та беморларни 26та (42,62%)да брахиоцефал артерияси патологик деформацияси аниқланди, шулардан кинг-кинг 57,69%, S-симон қийшайиш 23,08% кузатилди. МСсиз 31та (64,8%) беморда паталогик деформация аниқланиб, шулардан S-симон қийшайиш 65,63%. аниқланди




2-расм. БЦАнинг дуплекс сканер натижалари ИИ оғирлик даражаси кесимида таққослаш.

Ишемик инсультли беморларни динамикада текшириш ва ҳолатини объективлаштириш мақсадида цитофлавин препарати билан олиб борилган комплекс терапия ва базис препаратлар билан олиб борилган терапия эффективлигини таққослаш учун беморлардаги неврологик белгиларни NIHSS ва Скандинавия шкалалари бўйича баҳолаш олиб борилди.


3-расмда кўриниб турганидек касалликнинг дастлабки 10 кунда динамикада ижобий натижа олинди, инсульт оғирлик даражаси бўйича беморлар ҳолатини яхшиланиши цитофлавин препарати билан ва базис препарат билан даволаш олиб борилган гуруҳларда ишончли даражада фарқ аниқланди ($p < 0,05$). Цитофлавин препарати қўлланган гуруҳда касалликнинг 35-кунда NIHSS шкаласи бўйича йиғилган клиник балл $17,21 \pm 0,61$ гача камайди, базис препарат қўлланган гуруҳда эса $19,67 \pm 0,64$ баллгача камайди, бу иккала ҳолат ҳам неврологик етишмовчиликни камайганлигини ва касалликни ижобий прогнози ҳақида гувоҳлик беради. Лекин, цитофлавин ва базис препарат билан даволаш эффективлигини клиник текширилганда NIHSS шкаласи бўйича касалликнинг 10 ва 35-кунда неврологик етишмовчиликни тикланишида статистик жихатдан ахамиятли бўлган ижобий фарқ аниқланди

($p < 0,05$). Таққосланган гуруҳларда фақатгина неврологик етишмовчиликни NIHSS шкаласи бўйича регрессини аниқлабгина қолмасдан, балки цитофлавин фонида беморларда неврологик функцияларни тикланиш темпини ҳам ошганлиги аниқланди.



3-расм. Беморлар оғирлик даражасини динамикада NIHSS шкаласи бўйича баҳолаш.


4-расмда кўриниб турганидек, беморларни функционал имконияти Бартел индекси орқали баҳоланганда иккала гуруҳда ҳам ўрта даражада ифодаланган дезадаптация ҳолатига мос келди. Даволаш жараёнидаги функционал ҳолатни тахлитл шуни кўрсатдики, Цитофлавин қабул қилган ИИ беморларда 10-кунда ҳам, 35- кунда ҳам ўз ўзига хизмат кўрсатиш имконияти кескин даражада ошганлигини кўрсатди. Дафолаш жараёнида Бартел индекси кўрсаткичи 1 кичик гуруҳда статистик жихатдан ошди, бунда бузилган функцияларни қайта тикланиши Цитофлавин қўлланганда янада юқори даражада кузатилди ($p < 0,01$).



4 - расм. Беморлар оғирлик даражасини динамикада Бартел шкаласи бўйича баҳолаш.


Диссертациянинг «Ўткир цереброваскуляр касаллик ривожланишида VEGFA ва TGFβ-1 гени полиморф аллел вариантлари ахамиятини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида TGFβ-1 гени rs1800471 (915G>C (Arg25Pro)) аллели полиморфизмини популяцияда ва ИИ ривожланган беморларда тарқалиш частотаси ўрганилганлик натижалари келтирилган. Популяциядан саралаб олинганда мутант аллел «С» асосий гуруҳда назорат гуруҳдагига нисбатан кўп учради (8,33% ва 5,49%) мос равишда, частота «ёввойи» аллел «G» эса назорат гуруҳида кўпроқ учради (91,67% - асосий гуруҳ; 94,51% – назорат гуруҳ), лекин иккала гуруҳда ҳам кўрсаткичлар фарқи статистик жихатдан ахамиятли эканлиги аниқланмади ($\chi^2=1,16$; $p=0,28$; OR=0,64; 95% CI 0,28-1,45). Бизнинг текширувимиздан олинган маълумотлар «С» аллели ва TGFβ-1 гени rs1800471 полиморфизми ва метаболлик синдромда ИИ ривожланиши ўртасида ҳеч қандай ассоциация йўқлигини кўрсатди. Иккала ўрганилган кичик гуруҳлардаги ИИ беморларда «С» вариантли аллел популяциядаги назорат гуруҳига нисбатан кўп учради.

Қизиқарли томони шундаки, назорат гуруҳи билан таққослаганда «С» аллели частотаси метаболлик синдром фонида ривожланган ИИ ли беморлар гуруҳида юқори нисбатда эканлиги аниқланди (А кичик гуруҳ) (5,49% – назорат; 9,38% – кичик гуруҳ А; $\chi^2=1,49$; $p=0,22$; OR=0,56; 95% CI 0,22-1,43). МСсиз ИИ ривожланган беморлар гуруҳида (Б кичик гуруҳ) «С» аллел А гуруҳдагига нисбатан кам учради (Б кичик гуруҳ – 7,29%; А кичик гуруҳ – 9,38%; $\chi^2=0,27$; $p=0,6$; OR=1,32; 95% CI 0,47-3,69) ва Б гуруҳдаги ушбу кўрсаткичларга қарамасдан улар назорат гуруҳига нисбатан статистик жихатдан ахамиятли фарқ қилмади (7,29% ва 5,49%; $\chi^2=0,35$; $p=0,552$; OR=0,74; 95% CI 0,27-2,01). Полиморф аллел учраш частотасини ўрганишимиздаги маълумотлар шуни кўрсатдики, TGFβ-1 гени rs1800471 полиморфизми «С» аллелини ташувчанлик беморларда МС бор ёки йўқлигига қарамасдан ИИ ривожланиш хавфига ҳеч қандай таъсир қилмаслиги аниқланди (5-расм).



5-расм. TGFβ-1 гениниг rs1800471 генотипининг полиморфизмининг ИИ+МС ва ИИ МС сиз беморларда учраш частотаси

TGFβ-1 гени rs1800471 полиморфизми генотипик вариантлари тақсимланишини таҳлил қилиш популяцион гуруҳдаги ИИсиз шахсларда «ёввойи» аллелни гомозигота генотипини устунлик қилишини аниқлади (89,01%). G/G генотипи частотаси асосий гуруҳдаги беморларда, шунингдек, А ва Б кичик гуруҳларда бир-бирига яқин бўлган кўрсаткичларда эканлиги топилди; бунда ҳеч бир беморлар гуруҳида назорат гуруҳидаги кўрсаткичга нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ бўлмади (назорат – 89,01%; асосий гуруҳ – 83,33%; $\chi^2=1,26$; $p=0,26$; OR=0,62; 95% CI 0,26-1,44; А кичик гуруҳ – 81,25%; $\chi^2=1,6$; $p=0,21$; OR=0,53; 95%CI 0,2-1,42; Б кичик гуруҳ – 85,42%; $\chi^2=0,38$; $p=0,54$; OR=0,72; 95%CI 0,26-2,04) (6-расм).




6-расм. TGFβ-1 гениниг rs1800471 генотипининг полиморфизмининг асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда учраш частотаси.

VEGFA гени rs2010963 полиморфизми аллелларини тарқалиш частотаси ўрганилганда ИИли беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳида таққослаганда «С» мутант аллели назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда статистик жиҳатдан кўп учради (асосий гуруҳдаги беморлар – 27,1%; назорат – 13,7%; $\chi^2=10,18$; $p=0,001$; OR=0,43; 95% CI 0,25-0,73). «G» ёввойи аллели эса назорат гуруҳида тегишли равишда юқори чиқди (назорат – 86,3%; асосий гуруҳдаги беморлар – 72,9%; $\chi^2=10,18$; $p=0,001$; OR=0,43; 95%CI 0,25-0,73) (6-расм). Олинган маълумотлар VEGFA гени rs2010963 полиморфизми «С» аллели ташувчанлиги ва ИИ ривожланиши ўртасида ассоциация борлигини тахмин қилиш имконини беради. Ёввойи аллель «G» гени ЦВК ривожланишида мойиллиги йўқ бўлиб, у текширувларимизда протектив характерга эга.


Иккала ўрганилган ИИли гуруҳларда «С» вариантли аллели популяцион назорат гуруҳига нисбатан ишончли даражада кўп учради. Бунда, «С» аллелни учраш частотаси метаболик синдромсиз ИИ ривожланган беморлар гуруҳида ҳам (Б кичик гуруҳ), (Б кичик гуруҳ – 28,13%; назорат – 13,74%; $\chi^2=8,56$; $p=0,003$; OR=0,41; 95%CI 0,22-0,75), ва МС фонида ИИ ривожланган беморлар гуруҳида ҳам юқори нисбатда эканлиги аниқланди (А кичик гуруҳ), (кичик гуруҳ А – 26,04%; назорат – 13,74%; $\chi^2=6,45$; $p=0,01$; OR=0,45; 95% CI 0,24-0,84). «С» аллелни учраш частотасини солиштирма таҳлили иккала ўрганилган гуруҳларда аҳамиятли бўлган фарқни ифодаламади (А кичик гуруҳ – 26,04%; Б

кичик гурух – 28,13%; $\chi^2=0,11$; $p=0,75$; $OR=0,9$; 95%CI 0,48-1,7). Олинган маълумотлар «С» аллелини ташувчанлик ИИ ривожланиш эхтимолини ошириши хақида гувоҳлик беради, лекин А ва Б гурухлар орасида ахамиятли катта фарқнинг йўқлиги ЦВК ривожланишида ген полиморфизмини метаболик синдром билан боғлиқ эмаслигини кўрсатди.



7-расм. VEGFA гениниг rs2010963 генотипининг полиморфизмининг асосий ва назорат гурухидаги беморларда учраш частотаси

VEGFA гени rs2010963 полиморфизми генотипик вариантларини тарқалиши тақлил қилинганда популяцион назорат гурухидаги шахсларда «ёввойи» аллел бўйича гомозигота генотипни устунлиги аниқланди (75,82%). G/G генотип частотаси асосий гурухдаги беморларда, шунингдек А ва Б кичик гурухдаги беморларда деярли бир хил бўлди ва назорат гурухидан ишончли даражада фарқ қилди (назорат- 75,82%; асосий гурух - 56,25%; $\chi^2=7,95$; $p=0,005$; $OR=0,41$; 95% CI 0,22-0,77; А кичик гурух - 56,25%; $\chi^2=5,64$; $p=0,02$; $OR=0,41$; 95% CI 0,19-0,86; Б кичик гурух – 56,25%; $\chi^2=5,64$; $p=0,02$; $OR=0,41$; 95% CI 0,19-0,86) (7-расм). Олинган маълумотлар «ёввойи» аллел бўйича гомозигота генотипни ИИга нисбатан протектив таъсир кўрсатишидан гувоҳлик беради.



8-расм. VEGFA гениниг rs2010963 генотипининг полиморфизмининг ИИ+МС ва ИИ МС сиз беморларда учраш частотаси .

Гетерозигота генотипни энг кам учраш частотаси назорат гурухида қайд этилди (20,88%). Асосий гурухдаги ИИ беморлар гурухида G/C генотипини учраш частотаси назорат гурухидагига нисбатан етарли даражада юқори бўлмади (33,33% ва 20,88%; $\chi^2=3,65$; $p=0,06$; OR=1,89; 95%CI 0,98-3,67). Кичик гурухлардаги ИИли беморларда ҳам гетерозиготали генотип популяцион назорат гурухидагига нисбатан кўп учради (А кичик гурух-35,42%; $\chi^2=3,46$; $p=0,06$; OR=2,08; 95% CI 0,95-4,52; Б кичик гурух – 31,25%; $\chi^2=1,83$; $p=0,18$; OR=1,72; 95% CI 0,78-3,8). G/C генотипини учраши метаболик синдром фонидagi цереброваскуляар касалликни ривожланиш хавфини 1,7 марта, метаболик синдромсиз ривожланувчи ЦВК эса 2,1 мартага оширишига қарамасдан, гетерозигота генотипни учраш частотасини фарқи назорат гурухи ва ўрганилган гурухларда ахамиятсиз бўлиб аниқланди (8-расм). Шуниндек, гетерозигота генотипни ўрганилган кичик гурухларда ўзаро таққослаш орқали ахамиятли фарқини аниқлаш имкони бўлмади (А кичик гурух – 35,42%; Б кичик гурух - 31,25%; $\chi^2=0,19$; $p=0,67$; OR=0,83; 95%CI 0,35-1,94), ва бу ўрганилган полиморфизмни МСда ИИ ривожланиши билан ассоциация боғлиқлигини тасдиқламайди. Умуман олганда, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, *VEGFA* гени rs2010963 полиморфизми гетерозигот генотипи метаболик синдром билан ассоциацияланмаган бўлиб, ИИ ривожланишида алоҳида ахамият касб этади.

VEGFA гени rs2010963 полиморфизми гомозигот генотипли С/С мутант аллели популяцион назорат гурухда 3,3% ҳолатда учраган бўлса, ИИли асосий гурухдаги беморларда-10,42% ҳолатда учради ($\chi^2=3,66$; $p=0,06$; OR=3,41; 95%CI 0,91-12,82). Тадқиқот шуни кўрсатадики, ўзгарган аллел бўйича гомозигот генотипини ташувчанлик цереброваскуляар касаллик ривожланишини ишончли даражада оширмайди. Шуни аниқладикки, метаболик синдром фонидa ривожланган ИИли беморлар гурухида С/С генотипини учраш частотаси МСсиз гурухга нисбатан паст эканлиги имконидa (А кичик гурух – 8,33%; Б кичик гурух – 12,50%; $\chi^2=0,45$; $p=0,5$; OR=1,57; 95% CI 0,41-5,97). Бунда А кичик гурухдаги гомозигот генотипни частотаси назорат гурухи билан унчалик фарқ қилмади (А кичик гурух – 8,33%; назорат – 3,3%; $\chi^2=1,67$; $p=0,2$; OR=2,67; 95% CI 0,57-12,44), лекин бу кўрсаткичлар Б кичик гурухидаги натижа билан ахамиятли даражада фарқ қилди (Б кичик гурух-12,50%; назорат-3,3%; $\chi^2=4,4$; $p=0,04$; OR=4,19; 95% CI 1-17,58). Кўрсаткичлар шуни исботлайдики, С/С генотипини ташувчанлик МСсиз ИИ ривожланиш хавфини 4,2 мартага оширади, лекин кичик гурухлар орасида ушбу маркерни учраш частотаси бўйича фарқни ахамиятли катта эмаслиги уни МС билан ассоциацияланишини тасдиқламайди.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар *VEGFA* гени rs2010963 полиморфизми ишемик инсультлар ривожланиши билан ассоциацияланиши ҳақида гувоҳлик бериши мумкин. Бунда ассоциация алоқа ҳам гетерозигот ҳам гомозигота генотип билан кўшилиб келиши мумкин. Лекин ИИ ривожланиш патогенезида ушбу генетик маркер ва МС ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлаш имкони бўлмади.

ХУЛОСА

1. МС ривожланган ишемик инсультлар клиник манзараси ва оғирлик даражаси МСсиз вужудга келган инсультларга нисбатан оғирроқ ҳамда ўчоқлик неврологик симптомларини секин тикланиши билан характерланади. Атеротромбатик инсульт подтип МСда (50%), айнан шу тип МСсиз ривожланган (28.9%) кўпроқ учрайди.

2. МСда инсультлар учун клиник-биохимик ўзгаришлар асосан липид алмашинуви тизимида шаклланади, триглицеридлар миқдорини(85%) ошиши ва ЗЮЛП (84%) пасайиши билан намоён бўлади. Гемодинамик бузилишлар МС даги ИИ уйқу артерияларининг атеросклеротик зарарланиши (95%) МСсиз (61%)га нисбатан устунлик қилади. Шунингдек унинг намоён бўлиш даражаси тана вазни ($r=-0,35$; $p<0,001$) ва бел айланаси ($r=-0,43$; $p<0,001$) индекси билан ишончлилик корреляцион боғланишдир.

3. VEGFA генининг rs2010963 генотипининг полиморфизми ишемик инсульт ривожланиш патогенезида мустақил ўринга эга. Ушбу ген ЦВБ ларнинг генетик предиктори сифатида каралиши мумкин. TGFβ-1 генининг rs1800471 генотипининг полиморфизмида эса ишемик инсультнинг патогенезида иштроқ этиши тулик намоён бўлмайди.

4. VEGFA генининг rs2010963 ва TGFβ-1 генининг rs1800471 генотипи полиморфизмининг G/G генотипи ИИ нинг оғир даражада кечишини чекловчи омилдир. VEGFA генининг rs2010963 гетерозигота шакли G/C ИИнинг клиник оғир кечишига олиб келади ва МСда ИИ ривожланиш хавфини оширади.

5. МС даги ИИларни даволашда нейрометаболик терапиянинг самарадорлиги нафақат инсульт муаммоларига, балки мавжуд МС клиник белгиларини ҳам даволашга йўналтирилган бўлиши талаб қилинади. Бу шароитда таркибида бир неча препаратлар бўлган цитофлавинни қўллаш қайта тикланиш даражасини кескин тезлаштиради.

6. МС даги ишемик инсультларнинг нохуш оқибатларининг асосий предикторлари тана вазни индекси, бел айланаси (семизлик даражаси), липид спектори бузилиши даражаси, қондаги глюкоза миқдори билан тўғридан тўғри боғлиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.31.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
УСОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ВРАЧЕЙ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ШЕРМУХАМЕДОВА ФЕРУЗА КАБИЛДЖАНОВНА

**ОСТРЫЕ ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯРНЫЕ НАРУШЕНИЯ ПРИ
МЕТАБОЛИЧЕСКОМ СИНДРОМЕ**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема докторской (PhD) диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Tib 350.

Диссертация выполнена в Ташкентском медицинском академии.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tipmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научные руководитель: **Муратов Фахмиддин Хайриддинович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Мирджураев Элбек Миршавкатович**
доктор медицинских наук, профессор
Джурабекова Азиза Тохировна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский педиатрический медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ час на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Tib.31.01 при Ташкентском институте усовершенствования врачей (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел/факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института усовершенствования врачей (зарегистрирована за № ...) (Адрес: 100007, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Паркентская, дом 51. Тел/факс: (+99871) 268-17-44).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 год.

(Протокол рассылки № __ от _____ 2019 года)

Х.А. Акилов
председатель Научного совета по присуждению
учёных степеней, доктор медицинских наук,
профессор

Н.Н. Убайдуллаева
ученый секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Б.Г. Гафуров
председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире частота цереброваскулярной патологии (инсульта) возрастает с каждым годом. По информации всемирной организации инсульта «инсульт является значимой причиной смерти и инвалидности на сегодняшний день. Каждый 6 человек на протяжении жизни страдает от инсульта. Ежегодно инсульт поражает 15 миллионов человек по всему миру, 5,8 миллионов из них погибают и еще 6,7 миллионов остаются инвалидами. Основными факторами развития инсульта является компоненты метаболического синдрома (МС), и его наличие значительно увеличивает риск развития инсульта»¹. В оценке распространённости МС экспертами ВОЗ говорится что «на сегодняшний день мир сталкивается с новой пандемией XXI века, охватывающей индустриально развитые страны. Это может оказаться демографической катастрофой для развивающихся стран. Распространенность МС в 2 раза превышает распространенность СД, и в ближайшие 25 лет ожидается увеличение темпов его роста на 50%»². Вместе с тем, последствия инсульта являются не только медицинской, но и социальной проблемой.

В настоящее время в мире проводятся ряд целевых научных исследований по разработке новых подходов и методов диагностики и лечения цереброваскулярных заболеваний, в частности ишемического инсульта на фоне МС. В том числе по выявлению МС как одного из основных причин тяжелого течения заболевания у больных; ранней диагностики развития тяжелых осложнений, вследствие снижения контроля метаболических нарушений у больных с ИИ и оценка их роли в возникновении инвалидности; определение места и значимости наследственной предрасположенности в развитии заболевания. Разработка мер по оптимизации методов ранней диагностики, формирования системы лечения, направленной на предупреждение тяжелых осложнений и ранней реабилитации с учетом молекулярно-генетических факторов развития цереброваскулярных нарушений на фоне МС, остается приоритетным направлением научных исследований.

В нашей стране ведутся ряд исследований направленных на раннюю диагностику и лечения острых цереброваскулярных заболеваний. В частности, осуществляется комплекс мер по своевременной диагностике, предотвращению тяжелых осложнений и реабилитации ИИ, протекающих на фоне метаболических нарушений. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан, в 2017–2021 годы обозначены задачи по «повышению качества и удобства оказания медицинских и медико-социальных услуг для населения, формированию здорового образа жизни населения»³. В связи с этим, раннее выявление

¹World stroke organization report «Facts and Figures about Stroke»2015. Available from URL: <https://www.world-stroke.org/component/content/article/16-forpatients/84-facts-and-figures-about-stroke>

²Ziramet P., Shaw J., Alberti G. Preventing type 2 diabetes and the dysmetabolic syndrome in the real world: a realistic view // Diabetic medicine. – 2003. – № 20 (9). – P. 693-702.

³. Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г.

факторов риска инсульта и определение их роли в патогенезе сосудисто-мозговой недостаточности дает дальнейшее развитие и совершенствование системы медико-социальной помощи населению для обеспечения его полноценной жизнедеятельности, снижение показателей смертности и инвалидизации больных, повышение качества жизни являются актуальными направлениями медицины.

